

Тошкент ислом институтида Қуръон мусобақаси



16:12 / 25.02.2025 1421

Тошкент ислом институтида «Февраль – Қуръон қироати ва илмлари фан ойлиги» деб эълон қилинган. Шу муносабат билан «Қуръон илмлари» кафедраси томонидан талабалар ўртасида «Қуръон мусобақаси – 2025» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Маросимни Тошкент ислом институти ректори Уйғун домла Ғафуров очиб берди ва иштирокчиларга омад тилади.

«Қуръон илмлари» кафедраси мудири Жаҳонгир қори Неъматов мусобақа шартлари билан таништирди.

Ҳакамлар «Қуръон илмлари» кафедраси ўқитувчилари:

Жаҳонгир қори Неъматов (ҳакамлар ҳайъати раиси);

Шайх Иброҳим Абдулкарим;

Исломхон қори Убайдуллаев;

Аҳмадхон қори Рашидов;

Валихон қори Азимбоев.

Тадбирда Тошкент ислом институти талабаси Нўмонхон Яҳёхон бошловчилик қилмоқда.